

соф тушумга нисбатан 26,5 %ни, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 49,3 %ни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар. Меҳмонхоналарда сифат доимийлигини қўллаб-қувватлаш миждозлар билан ишлашда уларни тушуниш, ўзаро алоқа ўрнатиш нуқтасида бетакрор хизмат тақдим этиш билан боғлиқ бўлиб, хизматларни меҳмонхонада қанча миқдорда миждоз бўлишидан қатъий назар сифатли ва бетакрор тақдим этиш лозим эканлигини билдиради.

Сифатни таъминлаш муаммоларини кўриб чиқишда техник ва функционал сифат тушунчаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг ўзаро алоқаси ва яхлитлигини таъминлашга ҳаракат қилиш керак. Хизмат сифатини баҳолашнинг асосий мезони кутилаётган ва тақдим этилган хизматни ўзаро таққослашдир. Агарда тақдим этилган хизмат кутилган сифат даражасига мос ва ундан юқори даражада бўлса, миждознинг сифатидан мамнун бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 18 март 2000 йил №911. Манба: Н. Тухлиев, Т.Абдуллаева *Формальности в системе туризма Республики Узбекистан* Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2007г. Стр.456.
2. Ахмедов У.Х. *Меҳмонхоналарда туристик хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини баҳолаш.* // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2018 йил. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/10_Akhmedov.pdf
3. Тухлиев И.С. *Туризм: назария ва амалиёт.* – Т.: «Фан ва технология», 2018. – 400 б.;
4. Аристов О.В. *Управления качеством: Учебное пособие.* – М.: ИНФРА – М, 2004;
5. Герасимов Б.И., Злобина Н.В., Спридонова С.П. *Управления качеством: Учебное пособие.* – М.:Кнорус, 2005;
6. Мазур И.И., Шариро В.Д. *Управления качеством: Учебник.* – М.:Высшая школа, 2007;
7. Алимова М.Т. *Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати.* – Самарқанд, 2017. – 95 б.;
8. Сафаров Ш.Б. *ва бошқа муаллифлар. Туризм:назария ва амалиёт.-Т.: «Фан ва технология». 2018. - 400 б.*
9. Ориент Стар меҳмонхонасининг статистик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.
10. Самарқанд шаҳарида жойлашган меҳмонхоналарнинг маълумотлари асосида тузилган
11. "Тумарис" меҳмонхонасининг йиллик статистик ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

ХУДУДИЙ ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ КОГНИТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мирзаев Абдуллажон Топилович -
Фарғона политехника институти доценти, и.ф.д (DSc)

Аннотация: Мақолада сўнги йилларда миллий иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиш имкониятига эга бўлган туристик-рекреация фаолиятини бошқариш механизмлари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида туристик-рекреация фаолиятини тадқиқ этиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари, когнитив ёндашув асосида худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси, худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш мақсад ва вазифалари ҳамда худудий туристик-рекреация тизимини ташқи муҳит билан алоқаларининг кенгайтирилган когнитив модели таҳлил қилинган ва амалиётда фойдаланиш йўллари асосланган.

Калит сўзлар: туризм, туристик-рекреация, туристик-рекреация хизматлари, туристик-рекреация фаолиятини бошқариш, бошқариш, қарор қабул қилиш, когнитив модель.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ НА ОСНОВЕ КОГНИТИВНОГО ПОДХОДА В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ТУРИСТСКО-РЕКРЕАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Мирзаев Абдуллажон Топилович -
Доцент д.э.н (DSc), Ферганского политехнического института

Аннотация: В статье рассматривается управление туристско-рекреационной деятельностью в условиях развития рыночных реформ. Определены цели и задачи методики выбора и принятия управленческих решений развития региональной туристско-рекреационной системы на основе методов исследования и управленческих решений, когнитивного подхода, развития региональной туристско-рекреационной системы.

Ключевые слова: туризм, туристско-рекреационные, туристско-рекреационные услуги, менеджмент, управление туристско-рекреационной деятельностью, принятие решений, когнитивная модель.

IMPROVING THE METHODOLOGY OF MANAGERIAL DECISION-MAKING BASED ON THE COGNITIVE APPROACH IN THE DEVELOPMENT OF REGIONAL TOURISM AND RECREATIONAL ACTIVITIES

Mirzaev Abdullajon Topilovich -

Associate professor of Fergana Polytechnic Institute, DSc

Abstract: *The article deals with the management of tourist and recreational activities in the context of the development of market reforms. The goals and objectives of the methodology for choosing and making management decisions for the development of a regional tourist and recreational system based on research methods and management decisions, a cognitive approach, and the development of a regional tourist and recreational system are determined.*

Keywords: *tourism, tourist and recreational, tourist and recreational services, management, management of tourist and recreational activities, decision-making, cognitive model.*

Кириш. Туристик-рекреация фаолияти ривожланишининг жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, фаолият ўз таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда ушбу қисмларни самарали бошқаруви билан етарли даражада ривожлана олмайди. Мавжуд тизимлар фаолиятида юзага келувчи заиф таркибий тузилишга эга бўлган аксарият муаммолар (маркетинг стратегиясини шакллантиришда реклама фаолиятининг замонавий усул ва воситаларидан етарли даражада фойдаланмаслик, ички тармоқлараро муносабатларнинг ривожланмаганлиги, инфра-тузилманинг ривожланмаганлиги ва бошқалар)ни туристик-рекреация фаолияти иштирокчилари ҳаракати билан ҳал қилиш имконияти чекланган. Шу сабабли, фаолият ривожланишини юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга бўлган ҳудуд даражасидаги ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг унга боғлиқ бўлган барча тузилмалари доирасида ташкил этиш ва бошқариш туристик-рекреация фаолияти таркибини тизимли ёндашув асосида ўрганмаслик натижасида юзага келувчи юқоридаги масалаларни умумий ҳолда тўлақонли ҳал этиш имконини кенгайтиради.

Юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга бўлган ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг туристик-рекреация фаолияти билан боғлиқ бўлган тузилмалари фаолиятини мавжуд рекреацион тизимлар фаолияти билан уйғунлаштириш туристик-рекреация соҳасини мамлакат (минтақа ёки ҳудуд) даражасида самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодий тизим бирлигига айлантиради. Мамлакатимизда ҳудудларни мустақил иқтисодий бирлик даражасига айлантириш борасида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида маҳаллий (вилоят, туман, шаҳар) бошқарув органлари ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини мустақил равишда белгилаш компетенцияларининг ортиб боришини эътиборга олинадиган бўлса, юқори рекреацион салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда соҳани тараққиётнинг етакчи тармоғига айлантириш бугунги кундаги маҳаллий давлат бошқарув органларининг асосий вазифаларидан бирига айланиши лозим,

чунки яхши даромад келтирувчи, ривожланиш учун етарли салоҳиятга эга туристик-рекреация фаолияти қисқа вақт ичида ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи марказлари кўринишидаги рекреацион агломерацияларни шакллантиради ва бу, ўз навбатида, ҳудуднинг табиий-иқтисодий салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда тор йўналишларда ихтисослашувини таъминлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туристик-рекреация соҳасини мамлакатимизда ривожлантириш учун, аввало, унинг асоси бўлган рекреацион салоҳият заҳиралари ўрганиб чиқилиши, ҳудудлараро ва минтақалараро раёнлаштириш ҳамда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши зарур. Ўзбекистон рекреацион туризм салоҳияти бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторида туради. Туристик хизматлар бозорининг ушбу соҳасини ривожлантиришдаги биринчи вазифа – ана шу ресурслардан самарали фойдаланиб, рекреацион туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун бу йўналишнинг назарий асосларини яратиш талаб қилинади.

Рекреация сўзи латин тилидан (recreation - тиклаш) олинган бўлиб, инсоннинг меҳнат жараёни давомида сарфлаган кучини дам олиш орқали тиклашини англатади. Мазкур сўз атамаси соҳанинг қатор тадқиқотчилари томонидан атама сифатида қўлланилганига қарамай, унинг мазмун-моҳиятига турлича ёндашувлар мавжуд.

В.А.Квартальновнинг фикрича, рекреация бу – инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва эмоционал кучини кенгайтирилган тарзда қайта тиклаш жараёнидир. АҚШ миллий туризм сиёсати тадқиқотлар марказининг таърифига кўра эса, рекреация бу – инсонларнинг бўш вақтидан персонал фойдаланиш жараёни ҳисобланади[1].

З.Усмоновнинг тадқиқотларида рекреация тушунчасини уйдан ташқарида, масалан, табиатга туристик саёҳатларда, санаторий-курорт, соғломлаштириш муассасаларида дам олиш йўли билан саломатликни ва ишчи кучини тиклаш кўринишида талқин этилади[2].

Бизнинг фикримизча, рекреацияни инсонлар дам олиш объектларида ўз соғлиғини ва меҳнатга қобилиятини қайта тиклаши, сайёҳлик йўли билан табиатнинг турли масканларига бориши, архитектура ва тарихий ёдгорликларни бориб кўриши маъносида тушуниш мақсадга мувофиқдир. Рекреация ўз ичида бир қанча соҳалардан иборат бўлиб, уларга курорт-санаторий ва шу каби бошқа объектларда соғлиқни тиклаш, сайёҳлик йўли билан табиатнинг гўзал гўшаларига (дарё, кўл, ўрмон, тоғ, ғор, шаршара ва б.) бориш, спорт билан шуғулланиш ҳамда ноёб тарихий ва архитектура ёдгорликлари билан танишиш кабилар киради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда худудий туристик-рекреация фаолиятини ривожлантиришда бошқарув қарорлари қабул қилиш методологиясини когнитив ёндашув асосида такомиллаштириш монографик тадқиқот асосида назарий жиҳатдан кенг ўрганиб чиқилди. Когнитив ёндашув асосида худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси такомиллаштирилди ҳамда қарорлар қабул қилишнинг “тўлов матрицаси” моделига жойлаштириш асосида соҳа фаолиятини ривожлантирувчи сценарийлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тадқиқот методологияси сифатида илмий абстракция, тизимли таҳлил, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Туристик-рекреация фаолияти ва худуд ижтимоий-иқтисодий тизимлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқадорликдан келиб чиқиб, худуд тараққиётини комплекс режалаштириш жараёнининг ҳар бир босқичида рекреацион фаолият муаммоларини ҳисобга олиш зарурати юзага келади. Бу орқали худуднинг умумий тараққиёт стратегиясида туристик-рекреация соҳасининг доминантлиги таъминланади. Ушбу ҳолат натижасида худуд даражасида туристик-рекреация фаолиятини ривожлантириш ҳамда уни ривожлантиришда бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича ёндашувни ва муаммони ўрганиш усулини танлаш билан боғлиқ масала юзага чиқади.

Алоҳида тармоқ ёки худудларни мувозанатли ва комплекс ривожлантиришда қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ ёндашувларни ўрганиш асосида худудларда туристик-рекреация фаолиятини алоқадор тармоқ корхоналари билан биргаликда комплекс ривожлантириш учун ўз ичига тизимли таҳлилнинг замонавий ахборот технологияларига асосланган когнитив таҳлил технологияларини олувчи когнитив ёндашув бошқа ёндашувларга нисбатан кенгроқ қўламни қамраб олиши аниқланди. Ушбу ёндашувнинг устун томонларидан бири – мавжуд

заиф таркибли муаммоларни аниқлашда унинг таркибига амалиётда кенг қўлланилувчи усуллар (эксперт таҳлили, дастурий мақсадли, статистик ва бошқа усуллар), қарор қабул қилиш модел (тўлов матрицаси), тизимли таҳлилнинг замонавий усуллари ҳисобланган когнитив таҳлил ва моделлаштириш усуллари киритиш мумкинлигидир.

Туристик-рекреация соҳасининг фаолияти кўп жиҳатдан тармоқлараро кооперацияни тақозо қилиши натижасида соҳани ривожлантиришга мажмуавий ёндашиш талаб этилади. Бу эса, соҳанинг моҳияти ва таркибий тузилишига мос равишда фаолиятни бошқарув объектига айлантиради. Шу нуқтаи назардан фаолиятни худудий хўжалик тизими ва унинг таркибий ташкил этувчилари сифатида тасаввур этишни тақозо қилади.

Умумий ҳолда худудий туристик-рекреация тизими – салоҳиятга эга худудда ихчам жойлашган, рекреацион хизматлар бозорига ишловчи, тармоқлараро кооперация асосидаги мавжуд инфратузилма ва рекреация ресурсларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатувчи туристик-рекреация корхоналаридан ташкил топади. Туристик-рекреация фаолиятини худудий ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида қабул қилиш унинг таркибидаги тузилмалар (туристик-рекреация хизматлари соҳаси, инфратузилма, рекреация ресурслари, туристик-рекреация салоҳияти)ни моҳият жиҳатидан янада аниқлаштиришни талаб этади.


Жамиятнинг бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ўзига хос тенденцияларидан бири минтақавий ёки худудий доирада туристик-рекреация тизими каби мураккаб ва йирик ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг шаклланишидир. Бундай йирик тизимларнинг шаклланиши ҳал этилиши долзарб бўлган кенг қамровли муаммоларнинг юзага келишига олиб келади.

Худудий туристик-рекреация тизимининг фаолиятини анъанавий миқдорий моделлар асосида ташкил этиш ва бошқариш мумкин эмас. Бу мураккабликлар мазкур тизимнинг иқтисодий табиатига кўра кўплаб турли-туман элементлар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг, ноаниқликлар ва рискларнинг мавжудлиги, жараёнлар динамикаси бўйича етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги оқибатида пайдо бўлади. Бундай ўзига хосликларнинг мавжудлиги туристик-рекреация фаолиятининг тизим сифатидаги кўп қиррали муаммоларини заиф таркибий тузилишга эга муаммолар сирасига киритилишига сабаб бўлади.

Заиф таркибий тузилишга эга муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагилар талаб этилади:

- тизим муаммосининг манбаи, уни ҳал этиш мақсад ва вазифалари;

Тадқиқот объекти – ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизим шаклидаги ҳудудий туристик-рекреация тизими (ҲТРТ). *Бошқарув объекти* – ҳудуднинг туристик-рекреация салоҳияти



1-расм. Когнитив ёндашув асосида ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

- муаммо йўналишидаги тегишли малака ва компетенцияларга эга бўлган раҳбар ёки мутахассис;

- муаммони ҳал этиш алгоритми учун бошқарув қарорларини тайёрловчи қарор қабул қилиш усул ва технологиялари.

Маълумки, илмий жиҳатдан бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим омили қарорларни тайёрлаш жараёнида бошқарув қарорлари моделларидан фойдаланиш ҳисобланади. Худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш ва мавжуд тизимли муаммоларни тўлалигича ҳал этиш қарор қабул қилишнинг аксарият моделларида имконсиз бўлганлиги туфайли, тизимли муаммоларни бартараф этиш учун когнитив моделлардан фойдаланиш яхши самара беради. Шуни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот жараёнида худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича заиф таркибий тузилишга эга муаммоларни ҳал қилишда бошқарув қарорларини танлаш ҳамда қабул қилишнинг комплекс методологиясини когнитив ёндашув асосида такомиллаштиришга ҳаракат қилинди.

Когнитив ёндашув туристик-рекреация фаолиятида бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда эксперт баҳолаш, дастурий-мақсадли, статистик усулларни муаммоли вазиятларнинг когнитив таҳлили ҳамда когнитив моделлаштириш билан уйғунлаштириш орқали вазиятга ташқи ва ички муҳитнинг асосий таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш имконини беради. Бунинг учун эса, худудий туристик-рекреация тизимини ривожлантиришда бошқарув қарорларларини танлаш ва қабул қилишнинг когнитив ёндашув асосидаги комплекс методологияси ва унинг инструментларини шакллантириб олиш лозим (1-расм).

Когнитив моделлаштиришнинг қўлланилиши худудий туристик-рекреация тизимида юзага келувчи заиф таркибий тузилишга эга муаммоларни ҳал этишдаги тизимли ёндашувнинг бир кўринишидир. Соҳанинг ривожланишида юзага келувчи мураккаб муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда когнитив моделлаштириш сценарийлари муҳим ўринга эгаллигини билган ҳолда унинг асосий босқичлари: когнитив харита ва моделни ишлаб чиқиш, уларнинг

таҳлили ва сценарийли тадқиқот босқичларига алоҳида эътибор билан ёндашиш лозим.

Когнитив ёндашув асосидаги тадқиқотларнинг дастлабки босқичида қуйидагиларни кетма-кетликда амалга ошириш талаб этилади:

- биринчидан, худуддаги туристик-рекреация фаолияти ҳолатини акс эттирувчи мавжуд миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича ахборотни йиғиш ҳамда ушбу маълумотларни тизимлаштириш;

- иккинчидан, омилларнинг таъсир йўналишларини аниқлаш имконини берувчи омиллар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кетма-кетликдаги жараён натижалари асосида тадқиқот объекти ҳисобланган худудий туристик-рекреация тизимининг когнитив харитасини ишлаб чиқиш мумкин. Когнитив хариталарни ишлаб чиқиш усуллари турлича бўлса-да, ушбу харитани муаммо йўналишида етарли даражада малака ва компетенцияларга эга бўлган мутахассис ходимлар. томонидан экспертларнинг хулосалари асосида энг мақбул усулда тайёрланиши мақсадга мувофиқ Экспертлар томонидан омиллар орасидаги сабаб-оқибат боғланишлари аниқлангандан сўнг параметрик функционал вектор кўринишидаги реал ҳолатга энг яқин бўлган когнитив модель қурилади:

$$F_n = \langle \langle V, E \rangle, X, F, \theta \rangle$$

Берилган боғланишдаги $G = \langle V, E \rangle$ ўзида когнитив харитани акс эттириб, унда:

$$V = \{v_1/v_i \in V, i = 1, 2, \dots, k\};$$

$$E = \{e_1/e_i \in E, i = 1, 2, \dots, k\};$$

G – мақсадли йўналиш;

$X, V \rightarrow 0, X$ – омил параметрлари;

$$X = \{X^{(v_1)}/X^{(v_l)} \in X, l = 1, 2, \dots, k\}, \quad X^{(v_l)} = \{x_g^{(l)}\}, g = 1, 2, \dots, l;$$

$x_g^{(l)}$ – V_i вектор чўққисининг g параметри;

агар $g = 1$ бўлса, у ҳолда $x_g^{(l)} = x_1$;

θ – вектор чўққиси параметрлари кенглиги

$F = F(X, E)$ – вектор ёйининг функционал ўзгариши бўлиб, ушбу боғланишлар $F, E \cdot X \cdot \theta \rightarrow R$

Когнитив модель тузиб олингандан сўнг тузилган моделнинг адекватлиги, унинг таркибий тузилиши ҳамда ўрганилаётган объект ривожланиш динамикасининг эҳтимолий сценарийлари таҳлил қилинади.

1-жадвал

Қарорлар қабул қилишнинг “тўлов матрицаси” [3]

Муқобил сценарий (стратегия)лар	Когнитив моделлаштиришнинг дастурий тизимидаги сценарийлар	Ташқи муҳит (масалан, экологиянинг ўзгариш даражаси)		
		θ_1 (жуда паст)	θ_j	θ_m (жуда юқори)
1-стратегия (α_1)	1-сценарий	u_{11}, P_{11}, v_{11}	u_{1j}, P_{1j}, v_{1j}	u_{1m}, P_{1m}, v_{1m}
i -стратегия (α_i)	i -сценарий	u_{i1}, P_{i1}, v_{i1}	u_{ij}, P_{ij}, v_{ij}	u_{im}, P_{im}, v_{im}
n -стратегия (α_n)	i -сценарий	u_{n1}, P_{n1}, v_{n1}	u_{nj}, P_{nj}, v_{nj}	u_{nm}, P_{nm}, v_{nm}

Шундай қилиб, сценарийли таҳлил энг ёмон ва энг яхши ривожланиш сценарийларини аниқлаш ҳамда вазият учун энг мақбул сценарийни танлаш учун ўрганилаётган тизимни ривожлантириши мумкин бўлган сценарийларни “сифатли” таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган когнитив ёндашув асосида ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси қуйидагилар бўйича чуқур билим ва маълумотлар олиш имконини беради:

- тадқиқот объекти бўйича;
- туристик-рекреация тизимининг ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тизими ўртасидаги алоқаларнинг тузилиши бўйича;


- туристик-рекреация фаолиятида юзага келган муаммоли вазият ва унинг сабаблари бўйича;

- вазиятни зарур йўналишга буриш имконини берувчи таъсир омиллари бўйича;

- рационал асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича;

- туристик-рекреация фаолиятининг самарали сиёсатини шакллантириш йўналишлари бўйича.

Таклиф этилаётган методология ҳудудий туристик-рекреация тизими ривожлантирилиши белгиланган ҳудудда фаолиятнинг қандай йўналишларда ривожланиши самарали эканлигини аниқлаш имконини беради.



2-расм. Ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш мақсад ва вазифалари (“мақсадлар дарахти”)

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Методология моделининг 2-босқичида ўтказилиши белгиланган туристик-рекреация тизимини ривожлантириш муаммоларининг

SWOT таҳлили ҳудудда соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни аниқлаш имконини беради ҳамда бу муаммоларни

“сабаб-оқибат” боғланишлари асосида ранжирлаш орқали улар ичидаги энг муҳими ажратиб олинади. Аниқланган ижобий ва салбий таъсир омилларининг соҳа ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаган ҳолда методологиянинг 3-босқичи 2-қадамидаги “мақсадлар дарахти”, яъни ҳудудни яхлит ривожлантириш дастуридан ўрин олувчи мақсадлар ҳамда вазифалар ишлаб чиқилади. Таклиф этилаётган методология асосида “мақсадлар дарахти”ни икки даражада: ҳудуднинг яхлит ижтимоий-иқтисодий тизими ҳамда ҳудудий туристик-рекреация тизими да-


ражасида шакллантириб олиш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Когнитив моделлаштириш ҳудудий туристик-рекреация тизимининг ташқи ва ички муҳит билан ўзаро алоқаларининг когнитив хариталари, уларнинг моделлари ҳамда олинган икки даражали модель таҳлили асосида амалга оширилади. Ҳудудий туристик-рекреация тизимининг когнитив харитаси методологияда белгиланган ва аниқланган мақсадли, базис, бошқарувчи омиллар ҳамда омил кўрсаткичлардан ташкил топувчи асосий омиллар негизида тузилади (3-расм).



3-расм. Ҳудудий туристик-рекреация тизимини ташқи муҳит билан алоқаларининг кенгайтирилган когнитив модели

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



4-расм. Худудий туристик-рекреация тизимининг когнитив харитаси

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги кенгайтирилган когнитив харита худудий туристик-рекреация тизимининг

омиллар таъсири деталлаштирилган харита асосида шаклланади (4-расм).

Когнитив моделлаштириш натижалари юқоридаги 1-жадвалда келтирилган қарорлар қабул қилишнинг “тўлов матрицаси”га киритилиб, алоҳида олинган стратегиялар бўйича қабул қилинган қарорларнинг натижалари аниқланади ҳамда энг самарали стратегия ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури учун базавий стратегия сифатида белгиланади.

Танланган стратегия асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш босқичлари ҳамда бу босқичларда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муддати, киритилиши лозим бўлган ресурс ҳажми ҳамда уни амалга оширувчи ижрочиларни аниқлаган ҳолда яратилади. Дастурни кўрсатиб ўтилган йўналиш ва кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш натижасида юқори туристик-рекреация салоҳиятига эга бўлган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини туристик-рекреация хизматлари соҳаси доминантлиги асосида тез ва юқори самарадорликда ривожлантириш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида белгиланган вазифалар ва амалий натижалар асосида куйидаги таклиф ва тавсиялар берилди:

- Когнитив ёндашув асосида ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологияси асосида узоқ муддатли стратегия шакллантириш;

- туристик-рекреация фаолиятига ички ва хорижий инвестицияларни мунтазам ва режали жалб қилиш асосида соҳанинг моддий техник

базасини кенгайтириш ва соҳага инновацияларни кенг жалб қилиш;

- туристик-рекреация ҳудудларида туризм кластерларини барпо этиш (Ўзбекистоннинг барча минтақа ва ҳудудларида мавжуд санаториялар, пансионатлар ва дам олиш масканларида қўшимча равишда туризмни барча йўналишларини қамраб оладиган туристик объектлар мажмуини қуриш ва бу орқали ҳудудга ички ва халқаро туристларни жалб этиш);

- туризм кластерлари кенг ривожланган минтақаларда “эркин туристик зоналар” ташкил этиш;

- соғломлаштириш ва дам олиш, курортлар тизимига хорижий сайёҳларни жалб қилиш орқали рекреация туризмга эътиборни кучайтириш.

Туристтик-рекреация фаолиятини самарали бошқариш ва режалаштириш асосида мавжуд туристик-рекреация хизматларидан фойдаланиш даражасини максималлаштириш ва хизматлар таклифини самарали ташкиллаштиришда соҳада когнитив ёндашув асосида ҳудудий туристик-рекреация тизимини ривожлантириш бўйича бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишнинг комплекс методологиясидан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш соҳанинг ривожланиш даврини янада қисқартиради. Бу эса, соҳа фаолиятини янада ривожланишига ва ҳудудларни мувозанатли ривожланишида ялпи ҳудудий маҳсулот яратилишидаги улуши ортиб боришида асос бўлиб хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.
2. Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик – рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – СамИСИ, 2018 й. – 12 б.
3. Жертовская Е.В. Разработка комплексной методики выбора и принятия управленческих решений в области развития туристского комплекса в социально-экономической системе. Автореферат диссертации. – Таганрог, 2007. – С. 19.
4. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
5. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No.3,Article19.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>
6. Ханкелдиева Г. Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g>
7. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>
8. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
9. Mirzaev A. T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*. –2020.–pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.
10. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>.
11. Mirzaev A. T. Estimation of the prospects for the use of recreational facilities in the market of tourism services // *Наука сегодня: вызовы, перспективы и возможности [Текст]*. – 2018. – С. 76.